Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 17-aprel, payshanba № 48 (3397)

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик — аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғиндир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда лицензиялашни ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш механизмларини янада соддалаштириш ва арзонлаштириш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг:

2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятнинг ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг алоҳида турларини 1- ва 1-а иловаларга мувофиқ бекор қилиш;

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш характерига эга тартиботларни расмийлаштиришнинг муддатлари ва йиғимлари миқдорларини 2- ва 3-иловаларга мувофиқ қисқартириш;

рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни ва лицензияларни олиш тартиботларини янада қисқартириш ва соддалаштириш тўғрисидаги таклифлари 4-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш бўйича ваколатли органлар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда:

2015 йил 1 январгача бўлган муддатда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда «бир дарча» тамойилини қонун ҳужжатлари даражасида жорий этишни 5-иловага мувофиқ таъминласин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия келишувлари шартларини бажариш бўйича даврий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиб бориш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни 2014 йилнинг охиригача тамомласин.

3. Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали тадбиркорлик субъектлари учун устувор интерактив хизматларни жорий этиш бўйича лойиҳалар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қуйидагиларни таъминласин:

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш тартиботларини расмийлаштиришни электрон шаклга ўтказиш, шунингдек, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро электрон ҳамкорлигини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ишларни мувофиқлаштириш ва тизимли мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2014 йилнинг охиригача Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталини электрон тўлов тизимлари ва коммунал хизматларнинг биллинг тизимлари билан бирлаштириш йўли орқали мазкур портални такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, реал вақт режимида ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида хабар бериш бўйича хизматлар кўрсатиш имкониятларини назарда тутиш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектларига 2013-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури доирасида ишлаб чиқилаётган ахборот тизимларидан бепул фойдаланиш имкониятини яратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда 2014 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида қуйидагиларни амалга ошириш имконини берадиган махсус «тадбиркорлик субъектининг кабинети» ишлашини таъминласин:

молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал тўловларни, лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар бўйича кўриб чиқишда ва уларни олишда тўланадиган йиғимларни ва давлат божларини Интернет-банкинг тизими орқали тўлаш;

маълумотномалар олиш ва бошқа интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш.

5. 2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» тамойили бўйича электрон шаклда қуйидаги жараёнларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тартиб ўрнатилсин:

тадбиркорлик субъектларининг уларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритишга доир талабномаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этиш;

миллий валютада бир йилгача бўлган муддатга кредит олишга доир ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига тақдим этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча қоғозбозликка йўл қўйиш ҳолатлари учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни икки ой муддатда белгиланган тартибда киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг ёритиш юзасидан ҳар бир ҳудудда тадбирлар ўтказсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар ва лицензияларни бериш тартиботларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга 2014 йил 1 июнгача тегишли ўзгартишлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 апрел

Қўшма корхоналар

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайиб бораётган бугунги кунда сифатли қурилиш материалларига талаб ортиб бормоқда. Буни 2013 йилда қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга ўсгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ушбу соҳани модернизациялаш жараёнига хорижий инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаётгани ишлаб чиқариш сифати ва салмоғини оширишга хизмат қилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР УЧУН СИФАТЛИ МАТЕРИАЛЛАР

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Тезинтом» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси мамлакатимизда ўз нуфузига эга саноат муассасаларидан. Бу ерда илғор технологиялар асосида том ёпиш жиҳозлари ва мосламалари, девор ва шифт панеллари, металл черепицалар, эшик ва дарвозалар, пол тўшамалари, пластик ва алюминий ромлар каби кенг турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшма корхона маҳсулотлари юқори сифати, халқаро талабларга тўла мослиги ва рақобатбардошлиги билан харидорлар ишончини қозонган. Буюртмачининг талабига кўра, уларни исталган ранг ва ҳажмда, турли дизайнда тайёрлаш йўлга қўйилган. «Тезинтом»да ишлаб чиқарилаётган фибробетон маҳсулоти замонавий ва миллий меъморчиликда урфга кирган бўлиб, иншоотларнинг фасади ва интерьерини бадиий безашда кенг қўлланилмоқда.

Юқори сифатли хом ашё, замонавий саноат дастгоҳлари ва жамоанинг ишга бўлган юксак масъулияти натижасида ушбу саноат муассасаси мамлакатимиздаги етакчи корхоналардан бирига айланди. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларнинг касб маҳоратини ошириш учун махсус курслар ташкил қилинган.

— Тошкент ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежида таҳсил олганман, — дейди пайвандчи Темур Хўжаев. — Ўқув амалиётимни шу ерда ўтаганман. Корхона жамоаси мени самимий кутиб олди. Бу ерда йўлга қўйилган «устоз-шогирд» анъанаси ўз ишимни пухта ўзлаштиришимга катта ёрдам берди. Келгусида мутахассислигим бўйича ўқишни давом эттириш ниятидаман.

Мамлакатимизда яратилган қулайликлар ва имтиёзлар самарасида қўшма корхоналарнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни тобора ортиб бормоқда.

ЎзА фотомухбири Асқар ЁҚУБОВ олган сурат

Қарор ва ижро

Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан Сирдарё вилоятида замонавий қиёфага эга санъат масканларидан 9 таси бунёд этилди. 3 таси капитал реконструкция қилинди.

ТУҲФА

Оқолтин туман марказида Соғлом бола йилида болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Иншоот Юсуф Қорабоев бошчилигидаги «Гулистон мадад қурилиш» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан қисқа муддатларда барпо этилди. 2 миллиард 95 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. 150 нафар ўқувчи таълим оладиган ушбу санъат масканидан шинам ўқув хоналари, концерт зали, ёзги эстрада майдончаси ўрин олган. Машғулот хоналарида фортепяно, торли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий ва эстрада хонандалиги бўйича сабоқ олиш учун барча қулайликлар мавжуд.

— Авваллари мактабимизда ўқувчилар фақат тўртта йўналишда сабоқ олишарди, — дейди мусиқа ва санъат мактаби директори Урол Жомонбоев. — Янги бинога кўчиб ўтгач, имкониятларимиз кенгайди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Бандлик

Самарқанд шаҳридаги таянч тиббиёт коллежида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида кўплаб ёшлар ўзлари танлаган мутахассислик бўйича ишга жойлашиш имкониятига эга бўлди. Унда шаҳардаги 90 дан ортиқ ташкилот ва корхоналар 1127 та бўш, 2700 та квота иш ўрни билан иштирок этди.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркасида касб-ҳунар коллежларида таҳсилни якунлаётган 700 нафар битирувчи таклиф этилган иш ўринлари билан яқиндан танишишди.

— Инсон саломатлигига хизмат қилувчи ташкилотларимиз бундай тадбирларда ҳар доим фаол қатнашади, — дейди тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши масъул ходими Шерали Анваров. — Соҳа йўналишида таҳсил олаётган ўнлаб ёшларга тармоқ муассасаларида ишлаш учун йўлланмалар берилди.

Ярмаркада шаҳар прокуратураси, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари томонидан меҳнат муносабатларига доир қонунлар ва йўриқномалар, меҳнат муносабатларини шакллантириш асослари хусусида муфассал тушунчалар берилди.

Шу куни қирқдан ортиқ ёшлар ишга жойлашиш бўйича меҳнат шартномаларини имзоладилар.

Ўз мухбиримиз

Ёзги соғломлаштириш

Наманган вилоятидаги мавжуд оромгоҳларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Тараддуд

Даставвал, болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг йиғилиши ўтказилган эди. Шундан сўнг жорий йил ёз мавсумида ҳудудда фаолият кўрсатадиган оромгоҳлар харитаси шакллантирилди. Жорий йилда вилоятда 5420 нафар болажон 8 та шаҳар ташқарисидаги, 11510 нафар ўғил-қиз 87 та кундузги оромгоҳда ҳордиқ чиқаради. Ушбу мақсадлар учун ижтимоий суғурта, касаба уюшма бюджетлари ҳамда ҳокимликлар ва ҳомийлар ҳисобидан 1 млрд. 176 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш, соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда таъмирлаш ва тайёргарлик ишлари амалга оширилаётир.

Дарвоқе, ўтган йил вилоятдаги «Камалак» оромгоҳи капитал таъмирдан чиқарилиб, болажонлар ихтиёрига топширилган эди. Жорий йилда эса 2014 йилга мўлжалланган Манзилли дастур асосида вилоятда «Норин» болалар соғломлаштириш оромгоҳини қайта қуриш режалаштирилган.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Хабарлар

Андижон туманининг «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғини ва 50-сонли милиция таянч пункти учун янги бино фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотни қуриш ва жиҳозлашга «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими томонидан 50 млн. сўм сарфланди.

ФОНД ҲИММАТИ

Шунингдек, маҳаллада «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ янги тиббиёт пункти ишга туширилди. Ушбу тиббий пункт ҳудудда жойлашган Республика фаол ёшлари марказида дам олувчи 380 нафар ёшга ҳам хизмат кўрсатади. Тиббиёт пункти малакали мутахассислар ва замонавий тиббий анжомлар билан таъминланган.

ЁШЛАР МАРКАЗИ

Пахтаобод туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида Ёшлар маркази ишга тушди.

Марказ биноси икки қаватли бўлиб, биринчи қаватида ёзги дам олиш маскани, мебеллар дўкони, фото ва видео хизматлари жой олган. Иккинчи қаватда эса инглиз ва рус тилини ўргатиш ҳамда пазандалик, тикувчилик курслари ташкил этилган.

Ўз мухбиримиз

Барчаси болаларга



«Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси, «Геобурғунефтгазсервис» шўъба корхонасига қарашли Беруний номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи Шаҳрисабз шаҳрининг марказида жойлашган.

2013 йилда оромгоҳда тўрт навбатда 2400 нафар бола мириқиб дам олишди. Ёзги соғломлаштириш мавсуми тугагач, «Ўзгеобурғунефтгаз» АК корхоналари ишчи-ходимлари навбати билан бир ҳафталик ҳордиқ онларини ўтказишди.

Етти гектар майдонни эгаллаган бу оромгоҳ иккита 2 қаватли бино, 10 та кемпинг ётоқхонаси, 4 та бир қаватли ётоқ корпуси, 450 ўринли ошхона, 60 ўринли ёзги кинотеатр, кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, иккита ёзги чўмилиш ҳавзаси, футбол, волейбол, баскетбол майдонларига эга.

Яна бир жиҳати, бу ерда ҳар йили ишчилар ўртасида турли спорт мусобақалари, ҳар хил маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтиши аньана тусини олган. Оромгоҳ бошлиғи Лутфулла Каримов тажрибали мутахассис. У «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича республика гуруҳи» томонидан 2012 йил якунларига кўра «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи» номинацияси бўйича махсус диплом билан тақдирланган.

Соғлом бола йилида ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларини янада яхшилаш режалаштирилган. Шу мақсад йўлида ётоқхона ва ёрдамчи бинолар таъмирланаяпти. Ошхона биносида бир вақтнинг ўзида 750 кишининг овқатланишига шароит яратиш мақсадида қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Бундан ташқари, 150 ўринли ётоқхона кемпинглари барпо этилиб, ўғил-қизларга совға қилинади. Натижада, бир навбатнинг ўзида 750 нафар, тўрт навбатда 3000 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш имкони туғилади. Қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида кундан-кун кўркамлашаётган оромгоҳ боғига яқинда 50 туп мевали ва 100 туп манзарали кўчат экилди. Шунингдек, 10х15 метр катталикдаги иссиқхона (лимонарий) ташкил қилиш бўйича ҳаракатлар бошлаб юборилган. Демак, янги соғломлаштириш мавсумида оромгоҳ болажонларни кўпгина туҳфалар билан қарши олади.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 17-aprel № 48 (3397)

Бухоро шаҳридаги «OFS» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган костюм-шимлар юқори сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

ЭЛГА МАНЗУР

Ўтган йили корхона замонавий усулда жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди. Ҳозир корхонада 70 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Маҳсулотлар Бухородан ташқари Навоий, Тошкент ва Қарши шаҳарларидаги буюртмачиларга етказиб берилади.

Суратларда: *«OFS» масъулияти чекланган жамияти ишчилари — Дилшода Баротова ва Умида Жўраева.*

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган суратлар

Матбуот анжумани

O'ZBEKISTON MILLIY MATBUOT MARKAZI
NATIONAL PRESS-CENTRE OF UZBEKISTAN

Истиқлол йилларида фармацевтика соҳасини ривожлантиришда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Миллий матбуот марказида «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ташкил этилган анжуманда шу мавзуда гап борди.

«Дори-дармон»— равнақ йўлида

Бугунги кунда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси таркибида 8 та акциядорлик жамияти, 10 та шўъба корхонаси, 17 дорилар омборхонаси, 15 назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда республикамиз ҳудудларида 1327 та дорихона фаолият кўрсатмоқда. Аҳамиятлиси, ушбу муассасаларнинг салкам 80 фоизи, яъни 694 таси қишлоқларда жойлашган. Тизимда 3800 дан зиёд ходим меҳнат қилади. Ҳукумат қарорларини бажариш мақсадида ўтган йилнинг ўзида 221 та, жорий йилнинг биринчи чорагида 41 та янги иш ўрни яратилди.

Компания корхоналари томонидан махсус жиҳозланган 14 та «Самавто» изометрик автотранспорт харид қилиниб, 2010 йилдан бошлаб кўчма дорихоналар фаолияти йўлга қўйилган. Айни пайтда улар республикамизнинг чекка ҳудудларидаги аҳолига дорилар ва тиббий воситалар етказиб бермоқда. Кўчма дорихоналар ёрдамида ўтган йил давомида 1 млрд. 554.4 млн. сўмлик маҳсулотлар савдоси амалга оширилди.

Компанияга қарашли омборхона ва дорихона муассасаларида дори-дармон маҳсулотларининг 2.5 мингдан зиёд турлари арзон нархларда сотилянти. Йилдан-йилга дорилар ассортименти кенгайиб бормоқда. Жумладан, савдо ҳажми 2012 йилда 299.4 млрд, 2013 йилда 329.5 млрд, 2014 йилнинг биринчи чорагида 75.5 млрд. сўмни ташкил этди. Эътиборли жиҳатлардан яна бири, омборхоналарнинг дори воситаларини сақлаш шароитлари жаҳон талабларига тўла жавоб беради. Яқинда Тошкент шаҳрида умумий майдони 6.5 минг кв.метрдан иборат бўлган ва халқаро GDP — яхши дистрибьютерлик амалиёти стандартига мувофиқ замонавий омборхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида умумий майдони 4.0 минг кв.метрдан иборат Логистика маркази иш бошлади.

Акциядорлик компанияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг асосий таъминотчисидир.

Бугунги кунда компания республикамиздаги фармацевтика корхоналари ва 100 дан зиёд етакчи хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилади. Маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва импорт ўрнини қоплаш юзасидан ҳукумат дастури ижросини таъминлаш мақсадида акциядорлик компанияси республика кооперация биржасида мунтазам иштирок этиб келади. Биржа доирасида тузилган шартномалар бўйича биргина ўтган йилда 36.656 млрд. сўмлик, жорий йилнинг биринчи чорагида 11.3 млрд. сўмлик маҳсулотлар харид қилинди.

Таъкидлаш жоизки, тизимда маҳсулотлар сифатига жиддий эътибор қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича бу ерда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизими жорий этилган бўлиб, компания ISO 9001:2009 талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи миллий сертификат билан тақдирланган. Бундан ташқари, Германиянинг TUV Thuringen ташкилотининг халқаро сертификати қўлга киритилди. Шу билан бирга, «Ahbor Reyting» агентлиги томонидан 2012-2013 йилларнинг якунлари бўйича акциядорлик компаниясининг кредит рейтинги «uzA+» миллий шкаласига мувофиқлиги тасдиқланди. Бу эса ушбу муассасанинг қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла бажариш лаёқатига эга эканлигини билдиради.

Анжуман якунида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Намунали бошланғич ташкилотларда

Қарши туман сервис ва тадбиркорлик коллежида 103 нафар ходим меҳнат қилади, 1089 нафар йигит-қиз таҳсил олади. Транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, компютер ва компютер тармоқларини созлаш, тикувчилик, биржа агенти, туризм ва меҳмонхона ошпазлиги, хўжалик масалалари ҳуқуқшуноси, маиший хизмат машиналари ва касса аппаратларига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда халқ хўжалиги учун зарур бўлган мутахассислар тайёрланади.

Масъулият ҳисси

— Муассасамизда кўплаб маданий-маърифий ва спорт тадбирлари уюштирилади, — деди коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси Дилафрўз Сафарова. — Жумладан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшлар ўртасида гиёҳванд моддалар тарқалишининг олдини олиш, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, одам савдоси — бутун жаҳон муаммоси каби долзарб мавзуларда «Маънавият соатлари» ўтказилди.

Коллежда ходимларни соғломлаштириш, уларнинг спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратилаяпти. Ўтган йил педагогларнинг 14 нафар фарзанди Шаҳрисабздаги Ваҳоб Бердиев номидаги болалар оромгоҳида соғломлаштирилди. Айниқса, сўнгги йилларда касаба уюшмалари фаолияти такомиллашиб, ходимларга янада кўпроқ имтиёзлар берилаётгани барчани қувонтирмоқда. Санаторий йўлланмалари ва моддий ёрдам сўраб мурожаат этувчилар, оммавий спорт тадбирларимизда қатнашиш истагини билдирган ходимлар сони ортаяпти. Ижобий натижалар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган йилги тармоқ спартакиадасида жамоамиз мини футбол бўйича фахрли учинчи ўринни эгаллади...

Етакчининг фаоллигига кўп нарса боғлиқ. Дилафрўз Сафарованинг раисликка сайланганига 6 йил бўлди. Изланишлар ўз самарасини бераётир, ютуқлар вилоят, республика миқёсида эътироф этилмоқда. Дарвоқе, ўтган йили коллеж касаба уюшма қўмитаси «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тармоғи бўйича «Меҳнат муҳофазасини энг яхши йўлга қўйган бошланғич ташкилот» номинацияси ғолиби бўлди. Бу зиммадаги масъулиятни янада ошириб юборди, албатта.

Ўз мухбиримиз

Ўқув-семинар

Пахтакор туманидаги 12-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси ўтган йили «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган эди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ғолиб жамоа фаолиятини оммалаштириш мақсадида бошланғич ташкилот етакчилари иштирокида ўқув-семинар ташкил этди.

Бирни кўриб фикр қил...

Иштирокчилар дастлаб тумандаги «Шодлик» мактабгача таълим муассасаси, 9-, 12-умумтаълим мактаблари бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолияти билан танишдилар.

Ўқув-семинарни тармоқ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Собиржон Пирматов очиб, энг оммавий жамоат ташкилотида олиб борилаётган ислоҳотлар самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг 12-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти етакчиси Т.Синдоров ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

— Мазкур анжуман менда катта таассурот қолдирди, — дейди зоминлик Ф.Бойзоқов. — Туманимиз намунали деб эътироф этилган бўлса-да, ҳамон изланиш ва интилишдамиз. Бу ерда олган кўникмаларимни келгусида ўз фаолиятимда қўллайман.

Шу куни йиғилганларга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари И.Юнусов ва Э.Умурзоқов ҳужжатларни юритиш, меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар юзасидан маълумот бериб, мавзуга оид саволларга жавоб қайтаришди.

Семинарда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Б.Қодиров иштирок этди.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида меҳнат муҳофазасига бағишланган «Маҳорат машғулотлари» ўтказилди.

Маҳорат машғулотлари

Унда вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларининг юристлари, кадрлар бўлими ходимлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис ва вакиллари иштирок этди.

— Машғулот жуда фойдали бўлди, — дейди тармоқ Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Холмуҳаммад Икромов. — Тадбирда вилоятдаги соҳа муассасаларидан 109 нафар мутахассис қатнашди. У меҳнат муҳофазаси муҳандислари учун ҳақиқий маҳорат мактаби бўлди.

Тадбирда қатнашган тармоқ Марказий кенгаши юристконсулти У.Абдурахмоновнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандисларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари» ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассис Зафар Алиевнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ҳамда кафолатлари» ва «Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қонунчилигини қўллаш» мавзуларидаги маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Қизғин савол-жавобларга бой ўтган тадбир якунида соҳа мутахассисларига ўқув қўлланмалари тарқатилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

Ўқувчилар ҳузурида

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирокида давра суҳбати ташкил этди.

— Мақсадимиз ёшларимизнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдир, — дейди Марказий кенгашнинг бош мутахассиси Лола Исматова. — Шу билан бирга, уларнинг дунёқарашини ўстириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этишни кўзда тутганмиз.

Тадбирда иштирок этган туман савдо-саноат палатаси раиси А.Каримова кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш борасида улкан имкониятлар яратилаётганлигини таъкидлади. Ҳар бир коллеж битирувчиси ўз билим ва кўникмаларига суяниб, келгусида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлигини тушунтирди.

Шундан сўнг туман касаба уюшма кенгаши раиси З.Мирпўлатова, Марказий кенгашнинг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Д.Аҳмедовлар тармоқ касаба уюшмасининг бу йўлда олиб бораётган ишлари тўғрисида тўхталдилар.

Давра суҳбатида ўқувчилар тадбиркорлик борасида ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири. Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Нодавлат секторда

Ўттиз икки нафар ходим билан фаолият бошлаган «INTEGRA DD» МЧЖ тармоқ корхоналари орасида ўз ўрнини топди. Корхона бир йилда 45 млн. ампула дори-дармон ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқариш салмоғи ошгани боис иш ўринлари ҳам кенгайтирилди. Ҳозирда 70 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган жамоада импорт ўрнини босувчи 6 турдаги инъекция воситалари тайёрланмоқда. Янги, замонавий корхона фаолиятининг илк давридан касаба уюшмалари билан амалий алоқалар ўрнатиб, аъзо ташкилотлар сафидан ўрин олди.

Саф кенгаймоқда

— Маъмуриятнинг бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузиш тўғрисидаги таклифи жамоа томонидан маъқулланди, — дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ғолибжон Рустамов. — Ходимлар орасида етарлича обрў-эътиборга эга Улаш Мираков кўпчилик овоз билан касаба уюшма етакчилигига сайланди.

Масъулиятни ҳис этган етакчи фаолиятни касаба уюшмалари устав ва низоми асосида ташкил этиб, ходимларга меъёрий ҳужжатлар талаби даражасида иш шароити яратишга интилаяпти. Эътиборли жиҳати, қатор қўшимча имтиёз ва кафолатларни акс эттирган жамоа шартномасида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, саломатлигини муҳофазалаш, саёҳатлар ташкил этиш каби қатор масалалар акс этган.

Тармоқ касаба уюшмаси сафига қўшилаётган ташкилотлар сони ортиб бораётир. Ўтган йилнинг сўнгги ойларида 22 та ташкилот аъзоликка қабул қилинган эди. Жорий йилнинг шу даврига қадар 12 та ташкилотда бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди. Жумладан, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси жамоаси ҳам ўзларини касаба уюшма сафида кўриш истагини билдиришди.

Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, одамларни фойдали юмуш билан банд этиш учун барча шароит бор. Ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйган янги-янги корхоналарда меҳнат қилаётган ходимлар касаба уюшмалари билан алоқа ўрнатишга интилмоқда. Натижада, ишловчилар манфаати келишув ва жамоа шартномалари орқали муносиб ҳимоя қилинмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 17-aprel № 48 (3397)

Банклар – иқтисодиётимизнинг қон томирлари



Реклама ўрнида

Банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар самарасини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Давлатимиз раҳбари сўзи билан айтганда: «Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ».

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ана шундай юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда иш олиб бориб, тизимни том маънода юртимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғига айлантиришга ҳаракат қилишяпти. Ушбу саъй-ҳаракатлар амалиётда ўз натижасини бермоқда. Жаҳон миқёсида юз берган иқтисодий инқироз оқибатлари ҳали-ҳамон давом этаётган бир пайтда юртимиз иқтисодиёти бир зайлда ривожланиб бораётгани бунга яққол мисол бўла олади.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Бугунги кунда банкларнинг капиталлашуви жараёнининг чуқурлашуви, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг юзага келаётганлиги ва кўрсатилаётган хизматлар кўламининг кун сайин кенгайиб бораётганлиги ўз-ўзидан банкларнинг бир ҳудуд доирасида чекланиб қолмасдан халқаро молия бозорларига чиқишларини тақозо қилмоқда. Бундай натижага эришиш учун халқаро рейтинг агентликларининг кредитга лаёқатлилик борасидаги рейтингига сазовор бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Айрим давлатлар банк тизими рейтинглари пасайиб бораётган бир пайтда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида соҳани янада ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар, қабул қилинган Фармон ва қарорлар, кўрсатма ва тавсияларнинг ўз вақтида ижро этилаётгани шарофати билан юртимиздаги банк тизими мунтазам равишда «Мудис», «Стандарт энд пурс», «Фитч рейтингс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг ижобий баҳоларига эришмоқда.

2013 йилда мамлакатимиздаги мавжуд банкларнинг барчаси ана шундай юқори баҳога муносиб топилгани фикримизга далил бўла олади. Табиийки, бундай натижага эришиш осон эмас. Масалан, «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг шу йилнинг апрел ойида «Интерфакс» ахборот агентлигига берган интервюсида таъкидланишича, Қозоғистонда 2008 йилдан буён банк тизимида салбий ҳолат кузатилмоқда. Муаммоли кредитлар улушининг юқори бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда шубҳали кредитларнинг харажатларини қоплаш зарурлиги, банк капиталининг рентабеллиги ва етарлилик даражасининг пастлиги ҳамда банкларнинг йирик кредиторларини тизимли рағбатлантиришнинг жуда паст даражада қолганлиги қайд этиб ўтилган. Шунингдек, муаммоли кредитлар ҳажми 2013 йил охирига келиб, банк кредит портфелининг 40 фоизини ташкил этган бўлса, 2014 йил охиригача эса ушбу кўрсаткич 40 фоиздан ошиши кутиляпти.

Банк активларининг ўртача даромадлилик кўрсаткичи эса истиқболли даврда юқори бўлмаган даромадлар ва кредитлар бўйича қоплаш юзасидан катта харажатлар туфайли 1 фоиздан кам бўлиши қайд этиб ўтилган. Бу эса омонатчиларнинг банкка бўлган ишончи пасайишига, банкка қўйилган омонатларига салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлган.

Кўриниб турибдики, банк ва мижоз муносабатлари тизим фаолиятида ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига амал қилинганлигининг амалий натижасидир.

***

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимига тўрт йилдан буён барқарор рейтинг баҳоси берилмоқда. Жорий йилнинг феврал ойида юртимизда «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш истиқболлари ва Мудис баҳолаш мезонлари» мавзуида ўтказилган конференцияда ушбу агентликнинг вице-президенти Ольга Улянованинг юртимиз банк тизими тўғрисидаги фикрларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

— Албатта, жаҳон молия бозорида ҳалиҳамон давом этаётган иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатларнинг молия-банк тизимига салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса ушбу давлатлар банк тизимларининг катта миқдорларда зарар кўришига ёки олаётган фойдасининг бир неча баробарга камайиб кетишига ва оқибатда уларнинг капиталлашув даражасининг кескин пасайишига сабаб бўлган.

Жаҳон молия бозоридаги инқироз ташқи қарзларга таяниб қолган давлатлар банк тизимларидаги муаммоларни яққол намоён қилди. Ушбу инқирозлар Марказий банк фаолиятида банк назоратининг аҳамиятини кескин ошириб юборди.

Бунинг сабаби шундаки, юз берган инқирозларнинг асоси — бу молия бозорларининг самарали назорат қилинмаганлиги, молия бозорини ривожлантириш ҳамда уни назорат қилиш тизими узвийлиги таъминланмаганлиги ва изчил бўлмаганлиги, миллий молия институтларининг мос тарзда назорат тизимини вужудга келтирмасдан туриб, жаҳон молия бозорига кирганлиги билан боғлиқ эканлиги эндиликда жаҳондаги кўпгина йирик иқтисодчилар томонидан эътироф этилмоқда.

Шундай бўлиши табиий. Чунки аслида ана шу иқтисодий инқироз келиб чиқишининг асосий сабаби ҳам, биринчи навбатда, кадрлар ва яна кадрлар масаласига келиб тақалади. Яъни ҳар бир кадр ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлмаса, ўзи бошқараётган ташкилотни касодга учратади. Бугунги замонавий кадр ҳар томонлама етук, мураккаб вазиятлардан чиқа оладиган, хориж тажрибасини пухта эгаллаган, бошқаларга ҳар томонлама ибрат бўла оладиган, масалани оқилона, керак бўлса, етти ўлчаб бир кесиб ҳал қиладиган, ташкилоти учун ҳақиқий жон куйдирадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Турли давлатлар банк тизими фаолиятини мунтазам равишда ўрганиш жараёнида кадрларнинг масъулиятсизлиги мушкул вазиятларни юзага келтираётганига гувоҳ бўлинмоқда. Оқибатда, банк кредит портфелининг деярли ярмидан кўпи муаммоли кредитларга айланиб қоляпти. Бундай вазиятда қандай қилиб банк тизими ривожланади? Ахир банклар аҳоли, омонатчиларнинг ишониб топширган маблағларини қайтаришлари шарт эмасми? Бу каби саволлар жиддий хулосалар чиқариш зарурлигини англатиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлиб ўтган иқтисодий тангликлар банк назоратини оқилона бошқариш масаласида Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш сиёсатининг тўғрилигини яна бир марта амалда исботлади.

Албатта, банклар, суғурта компаниялари ва молия ташкилотларининг тўлов қобилиятининг нечоғлик барқарорлигини таҳлил қилиш, мавжуд мезонлар асосида пухта ўрганиб чиқиб, холисона баҳо бериш бизнинг ваколатимизга киради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон банк тизими фаолиятига тўрт йилдан буён компаниямиз томонидан барқарор рейтинг баҳоси бериб келинмоқда. Бундай ижобий баҳо олишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Шу ўринда, авваламбор, тизимни бошқаришда Марказий банк томонидан оқилона ва тўғри йўл кўрсатилиб, малакали кадрларни жой-жойига қўйиб, назорат функцияси ва бошқа вазифалар тўлақонли бажарилаётганлигини алоҳида эътироф этишим зарур.

Ҳозирги интеграллашув жараёнида ҳам тижорат банкларида ресурс маблағларининг ички манба ҳисобидан тўлиқ шакллантирилаётганлиги, аҳолининг банкларга ишониб топширилган пул маблағлари бут сақланаётганлиги, энг муҳими, банклар капиталининг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси мустаҳкамланиб бораётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Биргина мисол: ўтган йил якунлари бўйича иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ортиб, банкларнинг жами капитали 25 фоизга кўпайган. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёдни ташкил этган. Бу эса жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар зиёддир.

Шу билан бирга, эътиборингизни яна бир муҳим жараёнга қаратмоқчиман. Яқинда Жаҳон банки ва халқаро молия корпорацияси томонидан кредитлаш соҳасидаги рейтинг кўрсаткичлари эълон қилинди: унда Қирғизистонда 2 поғонага, Озарбайжонда 3 поғонага, Қозоғистон, Туркия, Белоруссия ва Болгария давлатларида 4 поғонага пасайиш юз берган. Ана шундай бир пайтда Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 24 поғонага кўтарилганлигини алоҳида таъкидлашдан мамнунман.

Яна бир қувончли маълумот бор, жорий йил охиригача юртингиз банк тизими капиталининг ўтган йилга нисбатан юқори даражада ўсиши кутилмоқда.

Эришилаётган ушбу натижалар банк омонатчилари ва чет эл инвесторларининг мамлакатингиз банк тизимига бўлган ишончи ва қизиқишини янада мустаҳкамлаб, халқаро молия бозорларида банкларнинг мустаҳкам ўрин эгалаши учун зарурий шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, банк тизими Ўзбекистонда барқарор ва кафолатланганлигини «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги алоҳида эътироф этади.

***

Шу мисолнинг ўзиданоқ, Ўзбекистон банк тизимида ҳақиқатан ҳам самарали механизм яратилгани яққол кўриниб турибди. Бундай механизм ўз-ўзидан яратилмайди. Бундай натижа, албатта, давлатимиз раҳбарияти томонидан узоқни кўра билиб, пухта ишланган дастурлар асосида иш олиб борилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Ўрни келганда, юртимиз банк тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлигини биз билан ҳамкорлик қилаётган бошқа молия институтлари вакиллари ҳам тасдиқлаётганлигини айтиш жоиз. Масалан, мамлакатимизда кўп йиллардан буён яқин ҳамкорликда иш олиб бораётган Хитой Тараққиёт банкининг президенти жаноб Ху Хуайбанг бу ҳақда шундай дейди:

— Банк тизимининг халқаро молия ташкилотлари билан иқтисодий ҳамкорлик қилишлари учун халқаро рейтинг агентликларининг баҳоси жуда муҳимдир. Чунончи, Ўзбекистон банк тизимига «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг 2010 йилдан буён юқори баҳо бериб келаётгани давлатингиз иқтисодиёти йил сайин тараққий этиб келаётганидан далолатдир.

Шу боис, Ўзбекистон банк тизимига халқаро молия институтларининг, шунингдек, хорижий инвесторларнинг ишончи мунтазам мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон банк тизими билан Хитой банклари ўртасида бир неча йилдан буён иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани бунинг исботидир.

Шахсан ўзим дунё банклари раҳбарлари, йирик инвесторлар иштирокидаги йиғилишларда кўп қатнашаман. Муҳокама жараёнида йирик инвесторлар томонидан Ўзбекистон банк тизими ҳақиқий ишончли ҳамкор, дея эътироф этилаётганидан мамнунман.

Бундай эътироф ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини ифтихорга, ғурурга тўлдириши аниқ. Энг муҳими, юқоридаги каби юқори баҳолар аҳолининг мамлакат банк тизимига бўлган ишончини тобора оширмоқда. Бу эса, табиийки, банклар имкониятларини янада мустаҳкамлаш баробарида халқ турмуш даражасининг ҳам йил сайин юксалиб боришига хизмат қилади, албатта.

Демак, бугун Ўзбекистон банклари дунёга юз тутмоқда. Ўйлайманки, мамлакатларимиз иқтисодий алоқалари янада мустаҳкамланиб, Ўзбекистон шуҳрати юксалиб бораверади.

ФОЙДАЛИ КЎРГАЗМА

Мустаҳкам, ишончли, барқарор ва кафолатланган. Эндиликда мана шу сифатларни Ўзбекистон банк тизимига нисбатан ҳеч иккиланмасдан қўллашимиз мумкин. Бундай баҳога лойиқ замонавий банк хизматлари мижозлар сафининг мунтазам кенгайиб боришини таъминловчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Тижорат банклари ва мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни юқори савияда ташкил этиш, хусусан, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратишга йўналтирилган молиялаштириш механизмларининг жорий этилиши эса иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидир.

Шу ўринда, юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари — «BankExpo — 2014» Миллий кўргазмасининг бу борада ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Пойтахтимизнинг кўргазма савдо уйида бўлиб ўтган еттинчи «BankExpo — 2014» анъанавий миллий кўргазмасида 17 мингдан зиёд аҳоли, тадбиркорлар ва ёшлар иштирок этди. Ушбу рақамнинг ўзиёқ кўргазма нуфузи йилдан-йилга ортиб, жамиятда банкларга бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганини англатади.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур кўргазма давомида тижорат банклари томонидан замонавий банк технологиялари: масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, мобайл банкинг, интернет тармоғида ишчанлик муҳитини яратиш, онлайн режимида ахборотлар олишда веб дастурларнинг аҳамияти, тўлов тизимлари каби йўналишлар бўйича тақдимотларнинг ўтказилиши иштирокчиларда катта таассуротлар қолдирди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган тадбиркорлар ҳам иштирок этишди.

— Бир томонда мутахассислар тадбиркорликни бошлаш учун амалий учрашувлар ўтказаётган бўлса, иккинчи томонда ёш ишбилармонларни тақдирлаш маросимлари ўтаяпти. Умуман олганда, бугун катта байрам, десам муболаға бўлмайди, — дейди «Равнақ капитал» оилавий корхонаси раҳбари Д.Мусаев. — Ҳар қандай тадбиркор сармояга таяниб иш бошлайди. Бугунги кунда банкларимиз тадбиркорга яқин кўмакдош бўлиб хизмат қилмоқда. Улар ёрдамида мулкдор бўляпмиз, обрў-эътибор қозоняпмиз. Кечагина коллежларни битирган ёшларимизга кўрсатилаётган молиявий ёрдамларни айтмайсизми!

Бизнинг банкларимизга ишончимиз баланд. Шундай экан, албатта, биз тадбиркорлар ҳам уларнинг нуфузини оширишга ўз ҳиссамизни қўшиб борамиз.

Бундай дил сўзларини барча иштирокчилардан эшитиш мумкин. Тадбир айнан ўзи учун ташкил этилганини ҳис этган кишигина ана шундай қувонч билан гапиради.

Иштирокчилар учун кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида банк мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан турли хил семинарлар ташкил этилгани кўргазманинг нуфузини янада оширди.

Кўргазмада, шунингдек, тижорат банклари томонидан қатор номинациялар эълон қилинган бўлиб, ғолибларга 200 дан ортиқ имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим этилди. Қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда, хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ва етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтинг баҳоларига мунтазам эришиб келаётган ҳамда мазкур кўргазма давомида ўтказилган сўров натижаларига кўра аниқланган тижорат банклари алоҳида номинациялар бўйича тақдирланди.

Кўргазма иштирокчиси сингапурлик Дорри Шафи тизимда бўлаётган ижобий ўзгаришларни алоҳида эътироф этди:

— Давлатингиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» юртингизни бутун дунёга танитди. Айниқса, жаҳонда рўй берган глобал иқтисодий инқироз даврида бу усул Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ишлашига имкон берди.

Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган автомашиналар, қишлоқ хўжалиги техникалари, юзлаб саноат корхоналарининг фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар инсон учун хизмат қилаётгани эътиборга моликдир. Энг муҳими, мамлакатингизда бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ҳукм сурмоқда. Бу эса халқингизнинг бахтли ҳаёт кечиришига замин яратаяпти.

Бугунги кўргазмага келганимдан, тўғриси, жуда хурсандман. Юртингиз банк тизими томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишиб чиқдим. Замонавий хизмат турлари кишини ҳайратда қолдиради. Яратилган қулай шароитлар туфайли мижозлар ўз уйидан туриб бевосита банк билан ҳамкорлик қилиши ёки чет элдан туриб ўз ҳисоб рақамидаги маблағларини бошқариши банкларингизнинг жаҳон талабларига мос равишда фаолият кўрсатаётганидан далолатдир. Банкларингиз ҳақиқатан мижоз манфаати учун ишламоқда. «BankExpo — 2014»да миллий кўргазмасида ана шундай ишончли ва мустаҳкам банк тизими ишлаётганига яна бир карра гувоҳ бўлдим. Мазкур кўргазмани кўздан кечирарканман «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган ёзувга кўзим тушди. Ҳақиқатан ҳам келажагингиз буюкдир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, кўргазмада иштирок этган кўпгина банклар қатори ОАТ «Алоқабанк» ҳам юқорида эътироф этилган банк хизматларини таклиф этди. У ўзининг янги омонат ва кредит турларини намойиш билан бирга, «Мобил банкинг», яъни жисмоний шахсларни тўғридан-тўғри улаш бўйича акциясини ҳамда «Фидо бизнес» билан ҳамкорликда «Омонатчиларни биометрик идентификация қилиш» бўйича тақдимот ўтказди. Шунингдек, қуйидаги 10 та номинация бўйича ўз мижозларини тақдирлади: «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Аёл тадбиркорлар учун энг яхши лойиҳа», «Энг кўп аёл ишчиларни жалб қилган лойиҳа», «Касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун энг яхши лойиҳа», «Энг ёш тадбиркор», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг яхши лойиҳа», «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши лойиҳа».

Айтиб ўтиш ўринлики, кўргазма «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг «барқарор» рейтинг баҳосини олиш имкониятини берди, барча банклар ўртасидаги соғлом рақобатни юзага келтиришга замин яратди.

Кўргазманинг асосий йўналиши «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлашдан иборат бўлди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес вакиллари, таълим муассасалари битирувчиларига таклиф этилаётган банк хизматлари юзасидан маълумот ва тавсия берилганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир. Албатта, мижозларга сифатли хизмат қилиш учун мунтазам изланиш керак. Ўйлаймизки, ушбу кўргазма банкнинг нуфузини янада орттиришга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда бошқа соҳалар қатори банк-молия тизими вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Зеро, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишни кўп сонли тизим ходимлари ўзларининг масъулиятли ва фахрли бурчлари деб биладилар.

Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.



ЎзА суратлари

Ishonch
2014-йил 17-апрел № 48 (3397)

Мозийдан садо

Амир Темур тавваллудининг 678 йиллигига бағишлаб жойларда турли маданий-маърифий, илмий-амалий анжуманлар ўтказилаяпти. Соҳибқирон тавваллуд топган Яккабоғ туманидаги «Хўжаилғор ота» зиёратгоҳида ташкил этилган тадбир наҳорги ош бериш билан бошланди.

Ноёб топилмалар

Туман ҳокимлигида «Соҳибқирон Амир Темур миллат фахри ва ғурури» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари, шунингдек, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг маслаҳатчилари, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши вакиллари иштирок этди.

— Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти олимларининг зиёратгоҳ ва унинг атроф ҳудудларида олиб борган изланишлари натижасида Амир Темур даврига оид бир қанча сопол буюмлар топилди, — дейди Халқаро Амир Темур жамғармаси туман бўлими раиси Ибодулла Мейлиев. — Бугунги анжуманда ушбу топилмалар кўргазмаси ҳам намойиш этилаяпти.

Суратда: *Тумандаги «Чўмич» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси Олим Шодмонов анжуман иштирокчиларини «Хўжаилғор ота» зиёратгоҳида топилган сопол буюмлар билан таништираяпти.*

Шавкат СУЛТОНОВ.
Муаллиф олган сурат

Касаба уюшма спорти

Ишчи-ходимларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, иш унумдорлигини ошириш, саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Асака туман кенгаши томонидан футбол байрами ташкил этилди.

АСАКАДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Беллашувларда туман давлат солиқ инспекцияси, молия, ғазначилик, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда «Асакабанк» ва «Агробанк»нинг туман бўлимлари футбол жамоалари иштирок этди.

1-ўрин «Агробанк» жамоасига, 2-ўрин давлат солиқ инспекцияси жамоасига, 3-ўрин молия бўлими жамоасига насиб этди. Голиб жамоалар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ўз маҳоратларини ишга солиб мухлисларда яхши таассурот қолдирган туман давлат солиқ инспекцияси жамоаси дарвозабони Муроджон Қўзиев, «Асакабанк» жамоаси ҳимоячиси Оятилло Умирзоқов, молия бўлими жамоаси ҳужумчиси Маъруфжон Юсупов, «Агробанк» жамоаси ҳужумчиси Санжар Раҳматовга эсдалик совғалари топширилди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Шимолий Фарғона магистрал канали бошқармаси касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимлар ўртасида спорт мусобақаси уюштирилди.

ҚИЗИҚАРЛИ БАҲСЛАР

Шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ўтказилган баҳсларда ташкилотнинг барча бўлимларидан иштирокчилар қатнашди. Шахматда Т.Ғайбуллаев, шашкада эса Ф.Ҳакимов 1-ўринни эгаллади. Стол тенниси беллашувларида А.Туралиев барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Бундай тадбирлар Хотира ва қадрлаш куни ва Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан ҳам ўтказилади.

Шоира ТУРҒУНОВА,
Шимолий Фарғона магистрал канали бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Эҳтиром

Зомин туманидаги 60-умумтаълим мактабида Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Уни туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ташкил этди.

ШОИРНИ ЭСЛАБ

Файзулла Бойзоқов, Нилуфар Абдурасулова, Назокат Чўтбоева, Мунаввар Розиқова каби она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг «Эл севган шоир», «Шоир ижодида Ватан мавзуси», «Истиқлол куйчиси», «Шоир шеърларида халқчиллик ва самимийлик» мавзуларидаги чиқишлари Муҳаммад Юсуф ижодининг кўплаб қирраларини очиб берди.

«Ижодкор ўқитувчилар» республика анжумани лауреати, 40-мактаб ўқитувчиси Манзура Норбоева шоир ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашиб, унга бағишлаб ёзган шеърини ўқиди.

Ўз мухбиримиз

Баҳорга берилмаган савол

Ҳикоя

Уфқ аввал қора-кўкимтир, сўнгра секин-аста оқиш тус олди. Собир ота Наврўзга омон-эсон етказгани учун Яратганга беҳисоб шукурлар айтиб, ҳовлига чиқди. Кенг-мўл ҳовли дарахтлари қийғос гуллаган боққа туташ, ундан кейин бепоён дала бошланади.

Салқин эпкин чор-атрофни гул-чечак ифорига тўлдириб юборган, оппоқ рўмол ўраган нуроний онахонларга монанд ўрик дарахтлари енгил чайқалади.

Ота дарахтнинг бўй етар шохини сал қайириб, ўрик гулларини ҳузур қилиб ҳидлар экан, хаёлига беихтиёр шундай мисралар келди:

Қўй, баҳорга берма қишнинг саволларини...

Шоир топиб ёзган, қиш тунига берилган саволлар гулга бурканган баҳор бағрига сиғмайди. Баҳорга ёруғ, гулгун саволлар бериш керак, ўйлади Собир ота. Бостирма ёнидан боғ томонга ўтаётиб, сигир соғаётган келинига кўзи тушди. Келин ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб, салом берди. «Байрамингиз қутлуғ бўлсин» деди. Ота алик олди, «Ўзингизга ҳам улуғ айём муборак бўлсин, қизим!» дея жавоб қайтарди.

Беихтиёр кўзи тушди: ола говмиш сал нарироқда боғлоқлик бузоқчага мўлтираб боққанича лабини яларди.

— Ҳа, соғишга қийналяпсизми, — сўради Собир ота келинидан.

— Қийналаётганим йўқку-я, лекин жонивор сутини боласига илиняпти, шекилли, — деди келин ийманибгина.

Ота мийиғида кулиб, челакка қаради.

— Челак тўлиб қолибди-ку! Бўлди-да энди, гўсола (бузоқ) ҳақи ҳам қолсин.

Келин бузоқчани бўшатди. Жонивор онасининг ёнига кела солиб, мириқиб эма бошлади. Говмиш боласи ютоқиб эмишидан ҳузурланиб, эгаларига миннатдор нигоҳ ташлаб қўйди.

Унга тикилиб турган отанинг кўнгли ийиб кетди: «Эҳ, жонивор, шуям меҳрни сезади-я».

Худди шу аснода девор ортида доира овози янгради. Қўшнининг уйида маҳалла қизлари, келинчаклар сумалак пиширишаётганди. Дарвоқе, Сарвигул буви ҳам ўша ерда эди. Сумалак пиширишни кекса аёллар ёш келинчакларга ўргатишади-да. Шу боисдан бу баҳорий неъмат неча минг йиллардан бери шарқликлар дастурхонининг кўрки бўлиб келаётир.

Собир ота кўнглида зўр қониқиш билан боғига қадам ташлади-ю, бир муддат лол-у ҳайрон бўлиб қолди. Дарахтлар чаппар уриб гуллаганидан боққа қор ёққандай туюларди.

Табиат манзарасига маҳлиё бўлиб турган Собир ота бу илоҳий гўзаллик аро боғнинг-да, ўзининг-да ёшлигини кўргандек бўлди.

Дарахтлари қулоч етмас бўлиб қолган бу боғни у раҳматли отаси билан биргаликда барпо этган, турмуш ўртоғи Сарвигулга биринчи довуччани шу боғдан узиб берган эди. Инсон юрагида муҳаббат ҳам самовотдаги яшин янглиғ чақнайди экан...

Собир ота олма, ўрик гуллари аро ёшгина Сарвигулнинг тиниқ, чиройли ва нурли юзларини кўрди гўё. Энтикиб кетди.

Кўкламнинг майин еллари унинг қулоғига ҳаёт, муҳаббат қўшиғини куйлаётган бўлса-да, отанинг кўзлари намли эди. Зеро, у ҳаёт муҳаббатдангина иборат эмаслигини яхши биларди. Инсон ўзлигини сақлаб қолиши, муҳаббат ҳаётда устувор бўлиши учун тинмай изланиши, курашиши лозим. Бу курашларда эса ғалабалар ҳам, оғир йўқотишлар ҳам бор...

Инсон хом сут эмган банда, агар табиатдан ўрнак ола билганида, ундаги адолат ва тенгликни юрагидан ҳис қилганида, ҳеч қачон ўзини бошқа бировдан устун ҳисобламасди. Бекорга биродарлик — баробарлик дейишмайди. Туғилганида бир-бирови билан теппа-тенг, боқий дунёга рихлат қилар чоғида ҳам баробардир.

Собир ота майсаларни авайлабгина босиб одимлар экан, боғ адоғига келиб қолганини англаб, бироз тин олди. Қўлини пешонасига соябон қилиб, олдинда ястаниб ётган ям-яшил буғдойзорга тикилди.

Бир томони уфққа туташ дала зангор гилам янглиғ товланарди. Унинг кўнгли яна жунбушга келди. Тилига келган шукроналик калималарини яна такрорлади: «Яратганга шукур, ахир, бу бепоён дала-боғлар, буғдойзорлар битмас-туганмас ризқ-насибамиз-ку!»

Қуёшнинг илк нурларидан эмаётган дала чиройли манзара касб этган, кўксида майда югурик тўлқинлар ҳосил бўлмоқда эди.

Ота — деҳқон оиласидан етишиб чиққан зиёли, шу меҳнат туфайли яратиладиган буғдой нонининг таъмини ҳам, қадрини ҳам яхши биларди.

Хаёлидан «ялт» этиб шундай фикр кечди: «Кафтдеккина ерга буғдой экиб, унинг ҳалол нонидан болачақа боқиб, яна ризқ-насиба улашган деҳқон бировга хушомад қилиб, муте бўлиб кўп бойлик топган одамдан минг карра яхшироқ, минг карра озодроқ ва баркамолроқдир».

У хаёллари билан банд экан, дарахтлар оралаб, ўзи томон келаётган хотинига кўзи тушди.

— Тонгги сайрингиз ҳамон тугамадими? Болалар, неваралар сизга интизор бўлиб ўтиришибди. Сумалак олиб келдим. Катта ўғлингиз ҳалим юборибди. Кичик келинингиз иссиқ нонни тандирдан узяпти. Юринг, нонушта тайёр...

— Тилингга шакар, онаси! Дастурхон ҳам шоҳона бўлибдими, дейман?

— Болаларимиз шунча елиб-югуришганидан кейин, дастурхон шоҳона бўлмай кўрсин-чи! — деди Сарвигул буви жилмайиб. — Ахир, ўзингиз «Ҳаракатда — баракат» дейсиз-ку!

— Албатта-да! Мен нимага эришган бўлсам, фақатгина меҳнат билан эришдим. Ўғил-қизларимиз ҳам шундай қилишини истайман.

Эр-хотин ёшлик дамлари ўтган боғдан секин одимлаб, ортга қайтишар экан, бутун борлиқ гўё уларнинг бахтини олқишларди.

— Сарвигул, — деди бир маҳал Собир ота хотининг ажин тушган юзлари, оқарган сочларига меҳр билан назар ташлаб. — Агар устимдан кулмасанг, сенга бир гап айтаман...

Эри сира унинг номини айтиб чақирмас, улар бир-бирларини катта фарзандларининг исми билан аташарди. Шу боис хотин «ялт» этиб эрига қаради, бирор муҳим гап айтишини сезиб сергакланди ва чолининг кўзларига тикилди.

Собир отанинг юзи ҳам, кўзлари ҳам кулиб турарди. Хотининг кўнгли хотиржамланиб, жилмайди.

— Шу десанг, ҳали боққа чиққанимда оппоқ гуллаган дарахтларга қараб ўтириб, ғалати бўлиб кетдим... — ота у ёқ-бу ёққа аланглаб олгач, овозини аввалгидан ҳам пасайтириб, шундай деди:

— Гулларга тикилавериб, тикилавериб, бир маҳал уларнинг орасида сени кўриб қолсам бўладими? Ўша, тўйимиз бўлган пайтлардагидек, навниҳол ёшингда эдинг гўё.

Сарвигул буви хандон отиб кулди. Бу бахтиёр аёлнинг кулгиси эди.

Собир ота ишонч билан шундай деди:

— Сарвигул, қобил фарзандлари бор ота-оналар қаримайди...

Худди шу аснода олис-олислардан карнай-сурнай овози эшитилди. Боғ узра улуғвор бир сас акс-садо бера бошлади:

Қўй, баҳорга берма қишнинг саволларини!..

Жўра ФОЗИЛ

Фестивал

Навоий шаҳрида «Истиқлол ғунчалари» анъанавий болалар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган замонавий шароитларда билим олиши учун барча шароитларни яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни тўғарак машғулотларига кенг жалб қилиш Президентимиз Ислом Каримов

ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ

раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилган фестивалда ёшлар томонидан яратилган маҳсулотлар кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда бой миллий маданиятимизни ёрқин акс эттирувчи 40 мингга яқин ижод намуналари намойиш қилинди.

Тадбирда тўгараклар, ижодиёт марказлари ҳамда уларнинг тарбияланувчиларига бир қатор номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

ЎзА

2014 йил — Соғлом бола йили

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

Инсон саломатлигида спортнинг ўрни катта. 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига кириб борар эканмиз, волейбол ўйнаётган қизлар эътиборимизни тортди. Ўйин тугагач, қизлардан бирини суҳбатга тортдик.

— Ўн икки ёшдаман, — дейди Шодиёна Эркинова. — Уч йилдирки, спортнинг волейбол, гимнастика турлари бўйича мунтазам шуғулланиб келаман. Бунда бизга Гулистон Нуриллаева, Бахтигул Аминовалар устозлик қилишмоқда. Келажакда халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиш ниятидаман.

Улкан орзулар сари шаҳдам қадам ташлаётган болаларнинг ўзига бўлган юксак ишончни кўриб қувонамиз.

— Саломатликни мустаҳкамлашда спортга тенг келадигани бўлмаса керак, — дейди 2-БЎСМ директори Баҳодир Отажонов. — Мактабимизда 754 нафар ўқувчи бўлиб, шулардан 411 нафарини қизлар ташкил этади. Улар учун билим даргоҳимизда шароитлар етарли, эътибор юқори.

— 2013 йилда волейбол бўйича республика олий лигаси жамоасида қатнашиб, бронза медали соҳибасига айланган Анзират Машарипова кўпларнинг ҳавасини келтирди, — дейди мураббий Гулистон Нуруллаева. — Шунингдек, бадиий гимнастика бўйича Нилуфар Давлетова, Саида Алламова, Назира ва Райҳон Ибрагимовалар ҳам бронза медалини қўлга киритдилар. Ушбу спорт тури бўйича республика босқичида қатнашиб 3-ўринни олган Нилуфар Ҳайитбоева ва кумуш медал соҳибаси Азиза Олимгуловаларнинг ютуқлари ҳам барчани хушнуд этди. Машғулотимизга янги келган болаларни ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топтириш бош мақсадимиздир.

Назокат МАШАРИПОВА,
Хоразм вилояти

Реклама ва эълонлар

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Фарғона стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг 11.04.2014 йилдаги 01/229-сонли хатига асосан, Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 119-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Нексия» русумли, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 695 UAA. **Бошланғич баҳоси — 13 188 985 сўм.**

2. «Матиз» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 592 DAA. **Бошланғич баҳоси — 10 420 809 сўм.**

Савдо 2014 йил 19 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 16 май соат 17:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, Х/Р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: (8-373) 244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1177.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент банк ҳисоб кредит коллежи томонидан «Банк иши» йўналиши мутахассислиги бўйича 2013 йилда Ҳайдаров Сарваржон Илҳом ўғлига берилган **№ К3165890** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тармоқ касаба уюшмасининг меҳнат фахрийси, Ўзбекистон энергетика ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг собиқ раиси

Мирҳосил САМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича етакчи мутахассиси

Собир ТЎЛАГАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 1 2 3 4